


Муқаддас ОРТИҚОВА

# РУҲИМ СУВРАТЛАРИ

*Шеърлар*



ТОШКЕНТ  
«DAVR PRESS» НМУ  
2013

84(59)7-98.ар08

Муқаддас Ортиқованинг мазкур «Рухим сувратлари» тупламига жамланган шеърларнинг аксарияти дунёдаги энг улуг зот — Онанинг дорилбақога ҳижрат этганидан кейинги қалб тугёнлари натижасида битилган. Муаллифнинг муҳаббат, согинч, ҳижрон каби мавзулардаги руҳий изтироблари ҳам дард, армонларга тулиқ, самимиятга бой кечинмалардир.

Шоиранинг шеърят мухлислари эътиборига ҳавола этилаётган ушбу биринчи китобчаси кунгиллардан муносиб урин топади, деган умиддамиз.

Ю 41625  
Og1

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонуналарга асосан ҳимояланган.

"DAVR-PRESS" нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашр воситаларда тулиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот восита Alisher Navoiy техник кўринишда кучириб босиш, маънит нашр воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

2014/2 A 62 ISBN 978-9947-4147-0-2	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--	--

© Муқаддас ОРТИҚОВА, 2013

© "DAVR PRESS" НМУ, 2013

*Онам Гулшод Уроқбой қизининг ёрқин  
хотирасига бағишлайман.*

## **ОНАЖОНИМ, СИЗНИ СОҒИНДИМ**

Соғиниб кетдим-ку, онажон,  
Узингиз, кўзингиз, сўзингиз.  
Кимларга ташлаб-ей кетдингиз,  
Меҳрибоним, ёлғиз қизингиз?!

Соғиниб кетдим-ку, онажон,  
Энди қандай яшай дунёда?  
Сизсиз энди нима ҳам қилдим,  
Сиз йўқсиз-ку ахир оламда!

Буғилиб кетдим-ку, онажон,  
Ҳаётнинг тўнг синовларидан.  
Ёлғиз қолиб азоблар ичра,  
Куч йўқ умр тировларида.

Буғилиб кетдим-ку, онажон,  
Йўқ-йўқ, ортиқ чидай олмайман.  
Бўғзимда-ку яширин фарёд  
Энди уни сақлаёлмайман.

Сўкилиб кетдим-ку, онажон,  
Бахт кўйлагим ситилиб кетди.  
Сабрнинг чоклари узилиб бир-бир,  
Эзгулик рўмолим титилиб кетди.

Сўкилиб кетдим-ку, онажон,  
Бунда на адолат, на мақсад қолди.  
Ярим кўнглим бутун қилолмай,  
Орзу армонимга ўралиб олди.

Тукилиб кетдим-ку, онажон,  
Ялангоч шохларим қуриб ҳам қолди.  
Изгирин шамолнинг пешонасида,  
Бевақт ажинларим ўй суриб қолди.

Тукилиб кетдим-ку, онажон,  
Ҳазин япроқларим сочилиб кетди.  
Кечиринг-кечиринг мени, онажон,  
Дил сандигим очилиб кетди.

Онажоним, сизни соғиндим  
Ёнингизга тезроқ борсайдим.  
Сизни сира ташлаб кетмасдим  
Дардли шеърларни ҳам битмасдим.  
Соғиниб кетдим-ку, онажон.

## МУҲАББАТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Йиллар ўтар, дилларда ҳамон,  
Ҳукмрондир ўтли муҳаббат.  
Бир-биродан воз кечган замон,  
Девонамиз бизлар тоабад.  
Кечир жоним, кечирақолгин  
Қалбимдаги хомхаёл учун.  
Барибир-ку сенга, азизим,  
Муҳаббатинг йўқотган кучин.  
Мен ёлгизман азоблар ичра,  
Ишқ ҳақида битурман қўшиқ.  
Ушалмас орзулар гулларин узиб,  
Ҳижрон юртига кетгум, эшиклар очик.  
Шубҳалар қўйнига қурдик биз қаср,  
Нураб бормоқда у, битмоқда умри.  
Севгимиз умрбод бўлди-ку асир,  
Не қилай, устун-ку юракнинг амри...  
Наҳот энди сира бўлмасмиз бирга,  
Бахтли дамлар ўтиб кетдими наҳот?!  
Жонсиз танам кимга ҳам бўлар керак,

Муҳаббатсиз судрарман уни ҳайҳот?!  
Биламан, унутолмасан мени ҳеч,  
Қушигим севгимдан бўлар хотирот.  
Хатомиз тушундик бизлар жуда кеч,  
Энди сенга тилайман ақл ва сабот.

\*\*\*

Изтироб дарёсида азоб-ла чўкмоқдаман,  
Кўз ёшларим сел келиб, ҳасратим тўкмоқдаман.  
Яшамоқлик не керак, гар бўлмасанг ёнимда,  
Дил хун бўлди, дунёни кўр мисол кезмоқдаман.

Ёмгир ёғар эзилиб, мен каби йиғлар осмон,  
Қалбимда зим-зиё тун, порларму қуёш қачон?  
Яна умид гуллари қураarmi дилда макон,  
Мен сен томон талпиниб, ҳижронда ёнмоқдаман.

## ОНАМ СУВРАТИГА ҚАРАБ...

Қуйиб беринг, йиглаб олай,  
Дардларимни тўкиб солай,  
Бош қуйишга бир елка йўқ  
Елкадош Сиз, тўйиб олай.

Қуйиб беринг, йиглаб олай  
Юраккинам тўлиб кетган.  
Армонларим бўғар мени  
Тоқатларим ўлиб кетган.

\*\*\*

Ўзимни йўқотиб қўйдим, тополмаяпман,  
Ёки топишними хоҳламаяпман?  
Адоқсиз ўй-хаёллар ичра югуриб,  
Кўнгил дарвозасин очолмаяпман...

Дарвоза берк, қамалиб қолдим,  
Ўзим қулфлагандим армондан чўчиб,  
Умид чорламоқда нажот қайтди деб,  
Гумон калитим-ла кетибди қочиб...

\*\*\*

Юрагим! Уришинг сезмай қолибман,  
Сенга эътибор ҳам бермай қўйибман.  
Оғриқларинг, дардларинг сезмай,  
Бахтнинг кўчасидан юрмай қўйибман.

Ҳаётдан тўйибман, беҳад тўйибман,  
Мен сени беморга айлантирибман...

\*\*\*

Дунёга сигмайди сигинди кўнгил,  
Оғриқлар устимдан кулади.  
Уртаниб-уртаниб йиғлади хаёл,  
Азоблар қайтадан туллади...  
Орзулар ўз жиловин узди,  
Сўнг саодат денгизида сузди.  
Армоннинг олдида қарзини узди,  
Ахийри хиёнатга кўзини сузди...

\*\*\*

Умр утар, ҳижрон қалбимда,  
Ёрилмоққа йўл бермас гурур,  
Балки қўрқув, балки ор-номус,  
Қиз этмайди севгини изҳор.

Аммо бу кун, бу он, бу соат,  
Ҳақиқатни англар гумроҳ қалб.  
Оҳ, бу бошим! Ахир Муҳаббат  
Қудратли ва устун ҳамма вақт.  
Унга гурур, ор-номус, қўрқув .  
Эмас экан ҳеч қачон писанд...

\*\*\*

Келажакка ишонч йўқолди,  
Қалбимдаги қувонч йўқолди.  
Ҳаётимда таянч йўқолди,  
Муҳаббатга суянч йўқолди.

Кўз унгимдан чехранг кетмайди,  
Кулиб, ёниб турарсан доим.  
Яхши дея хотирлаб сени,  
Кечир дейман уни Худойим.

Кечир дейман гуноҳлар учун,  
Кўз ёшлар-чун, гумонлар учун.  
У йўқ қилган тоқатлар учун,  
У тўқиган ёлгонлар учун.

Майли, менга бергил азобларингни,  
Ҳар қанча уқубат бўлса, чекай мен.  
Унга сен бахт бергил, иймон, ишонч бер,  
Севсам ахир уни нетай, нетай мен..?

Армонлар қалбимда кўтарса-да бош,  
Лек унинг учун ҳам яшамоқ бахт-ку!  
Қайгу ботқоғига кетсам-да ботиб,  
Унинг тахтли эканлигини кўрмоқ роҳат-ку!

\*\*\*

Ёлғизлик ва кўнгил торлиги,  
Жоҳилликнинг ғазабкорлиги  
Ҳаммасига сабаб биттадир,  
Муҳаббатнинг кўзи кўрлиги,  
Пешонамнинг наҳот шўрлиги...

## МЕН БОШ ОЛИБ КЕТМОҚ ИСТАЙМАН

Ўтиб борар кунлар заъфарон,  
Ҳудудсиз жимжитлик ҳукмрон.  
Қалбим кенглик қўмсайди шу он  
Қочмоқ истаб бу Сукунатдан,  
Мен бош олиб кетмоқ истайман...

Наҳот нурад Бардош девори?  
Наҳот синар Тоқат чинори?  
Наҳот сўлур Шафқат гуллари?  
Наҳот бўлмас Завқ довуллари?  
Мен бош олиб кетмоқ истайман...

"Ҳаёт шу", дер куча, одамлар,  
"Тақдир бу", дер менга онамлар.  
"Чида, синглим", дейди акамлар,  
"Ёз", дейишар илҳом парилар  
Мен бош олиб кетмоқ истайман...

Орзу чўқди ботқоқларга-я,  
Забон етди тоқатларга-я,  
Қувонч учди шамолларга-я  
Қочмоқ истаб бемақсадликдан  
Мен бош олиб кетмоқ истайман...

Кўникарми инсон ҳаётга,  
Бир зайлда ўтган бу вақтга?  
Чидарми у барча заҳматга,  
Умид қилар доим Нажотга  
Мен бош олиб кетмоқ истайман...

\*\*\*

Оққан қон севгидай оташ бўлишин,  
Биламан, гар бунга эслатмасанг ҳам.  
Истайсан севги оловида ёнишим  
Не қилай, севмасман, гар хоҳласам ҳам.

Мен уни севаман, телба мисоли,  
О Худо! Қанийди айтолсам сенга,  
Унинг ишқи билан ёнмоқдаман мен,  
Ёнаман ахийри айланиб кулга...

Бахтсизларнинг сардори менман,  
Муҳаббатнинг қарғиши урди,  
Тақдиримда ўз ёрим туриб,  
Ўзга ёрга кулишим қолди.

Ишон!  
Унинг ёди билан тирикман,  
Агар билсанг, усиз уликман.  
Билмам, пешонамга нелар битилган,  
У ўрмондир, мен-чи кийикман...



"Раҳм қилма", дебсан. О, қодир Худо  
Қандай чидай, Бахтдан қилдинг-ку жудо.  
Муҳаббатсиз менман бир нонсиз гадо,  
Қалбимдан отилар қон тўла нидо!!!

\*\*\*

Азизим, деб атайсан, дарё меҳр бу сўзда,  
Оҳ дўстгинам, билсайдинг — қанча сеҳр бу сўзда.  
Яраланган қалбимга малҳам бўлиб келдинг сен,  
Андухли кунларимга нур ва мазмун бердинг сен.  
Тасалли, танқид, танбеҳ ила кўнглим кутариб,  
Ойларга ўхшатарсан, сойларга ўхшатарсан.  
Мен ой бўлсам, сен қуёш, сой бўлсам, ундаги тош,  
Дўстлик шундай қудратки, мен кўзман, сен унда ёш.  
Мен дарахт бўлсам агар, унга иддизсан ўзинг,  
Булутли осмонимга йўлчи юдузсан ўзинг.  
Дўст! Бунчалар ёқимли, азиз, сермазмун китоб,  
Ёд олиб ҳар бир сатрин юрак қилади хитоб:  
Қалбимнинг дур, гавҳари ўзингсан-ку, унутма,  
Ардоқлаб тинглайдиган сўзимсан-ку, унутма!  
Нурга йўлловчи сенсан, қайғумга овчи сенсан,  
Орзум қўлидан тутиб, бахтимга совчи сенсан.  
Ёрқин кунлар келажак сен берган сабр ила,  
Бахт тантана қилажак меҳрингнинг амри ила.

\*\*\*

Бир кун кўрмадим болам,  
Лек қанчалар соғиндим.  
Кўз ёшларим сел бўлди,  
Оллоҳимга топиндим.  
Ё Худо! Асра уни,  
Қўл-оёгин бутун қил,  
Соғлиқ ва бахт бер унга,  
Гул умрини узун қил!  
Бегона қил кулфатдан,  
Туҳмату маломатдан.  
Пок айла ҳаётини,  
Қалбию баётини.  
Бахтим, тахтим у менинг,  
Дур нажотим у менинг.

Орзуларим, умидим,  
Шижоатим у менинг.  
Болажоним, чин жоним,  
Куксимдаги туморим.  
Уксиккина хуморим,  
Кўз қувонар минорим.  
Оналар учун фарзанд,  
Уриб турган юраги,  
Оллоҳ! Қўлла уларнинг  
Умрбоқий тилагин...

\*\*\*

Ёлғизлик куйини чалиш осонмас,  
Осонмас ҳижронни енгиб яшамоқ.  
Умр поёнига етса ногаҳон,  
Куй қолар руҳимда саргардон, сарсон...

### СЕНИ КУТИБ...

Ўй! Тинч қуй, чарчадим,  
Навбат гали меники балки.  
Тоқат энди парча-парчадир,  
Игна-ипни тутган борми, ким?

Ўй! Тинч қуй, керакмас,  
Озорларинг жонимдан ўтди.  
Куксимдаги гунча юракмас,  
Булбулларинг ситамлар ютди.

Ўй! Тинч қуй, суйкалма,  
Азоблама, алдовларинг қуй.  
Озорланма сени ҳайдасам,  
Юрагимда бўлмаяпти туй.

Ўй! Тинч қуй, ёндирма,  
Кул бўлмасин охирги нажот.  
Вужуд алангадир, руҳим шикаста,  
Куйлаяпти кимдир муножот.

\*\*\*

Шубҳалар ўртайди юракни,  
Жавобсиз саволлар гужгон.  
Чулгаган ушалмас тилакни,  
Орзуларга келарми қирон?!  
Наҳотки Орзулар булсалар рўё,  
Қалбларни наҳотки қилурлар пора.  
Айрилиқ азоби кутмоқда гўё,  
Сўнг бизга кумақдош охирги чора....  
Айнан бизни танлабди тақдир,  
Синовларда ўтказмоқ учун.  
Гоҳ уқубат, гоҳ гурбат ила  
Севгимизни синабди кучин.  
Жавоб бериш вақти келади,  
Гуноҳқормиз гуноҳсиз.  
Жаннатми, дўзах кутар  
Қолаяпмиз паноҳсиз.

\*\*\*

Севмаслигим сени ростдир, лек раҳмим келар,  
Гоҳ ўзимга, гоҳ гам чеккан сен инсонга.  
Бирга бўлиб яшасак, шуни билгинки,  
Қалбим бергум, унутмагил, бошқа бир жонга.

## СЕНГА

Мен сени севардим, севаман ҳамон,  
Севгим унутолмам, унутмам асло.  
Ҳаёт сўқмоғида адашиб мудом,  
Ўз йўлим тополмам, кўмак бер Олло!

Қандоқ ҳам унутай, гар уша севги,  
Бахтимни, тахтимни қочди-ку олиб.  
Хотира шамоли уйғонса қалбда,  
Армонлар бош кўтарар, кетаман толиб.

Армон бу — кўзларинг ҳамон кўрлиги,  
Кўрмассан муҳаббат, азоб, нафратни.  
Армон бу — қалбдаги туйғу хўрлиги,  
Оёқ ости қилдинг сен оқибатни.

Армоним уз бахтинг йуқотганинда,  
Ёлгонлар ичра сен тош қотганинда,  
Нафрат музлигида совқотганинда,  
Садоқат кузгусига тош отганинда...

Ниятим эди-ку, бир қаср қурмоқ,  
Ва Севги қасри деб унга ном бермоқ.  
Хаёлда сен эдинг ул қаср шоҳи,  
Мен маликанг эдим, уртайди оҳим.

Оҳ чеккум, сен қасрим барбод айладинг,  
Адолатли шоҳни қилгандим орзу.  
Қалбинг хиёнатга қаттиқ боғладинг,  
Унда саҳро инграр, ингратар тузи...

## СЕНГА БАҒИШЛАДИМ, ОНАЖОН!

Ўлтирибман ёлгиз, ташқарида тун,  
Онажоним, қалбим менинг хун.  
Бахтли бўлишимни истаб эдинг сен,  
Лек, бахтсиз инсонга айландим-ку мен...

Онажон, меҳрим-муҳаббатим сенгадир, сенга  
Умидларим, нажотларим сендан бўлсин  
Бор азобу уқубатни менга бергин,  
Энди эса ҳаётингга нурлар тўлсин.

\*\*\*

Ўйлагандим, буларман бахтли,  
Қалбим муҳаббатга тўлар деб.  
Ўйлагандим ҳаётим тахтли,  
Саодатли, нурли булар деб...

Дунё тор кўринар, одамлар гамли,  
Эртам ҳам қоронғу, кўзларим намли.  
Бош олиб кетгум бор жоҳил оламдан,  
Лекин воз кечолмам асло Онамдан...

Икки ўт ёнади — Она! Муҳаббат!  
Она хоҳиши бу, севги азоби.  
Наҳот устун келар меҳр, оқибат,  
Пешонамга сигмадинг, кечир Муҳаббат...

## ОНАЖОН

Онажоним, йироқдасиз, соғиндим сизни,  
Кўз олдимдан гул чеҳрангиз кетмайди сира.  
Бир умрга кузатдингиз мен ёлғиз қизни,  
Ўзга юртга, бегонаман, кўнглимдир хира.  
Алам ўртайди юракни, қайғулар гўжгон,  
Қамрагандир мана, жонсиз вужудни.  
Бемақсад яшайди, ҳаётдир нурсиз,  
Курмайди у гўзалликни, мавжудни...  
Ўтмишим бирма-бир бўлар намоён,  
Қайғули, қайғусиз кунлар меники.  
Ёдимга тушади бахтли кунларим,  
Уйқусиз, орзуларга чўмган тунларим...  
Энди тоқат, бардош менинг таянчим,  
Ўзгалар тинчини бузмоқлик бўлмас.  
Биламан, ҳаётим бўлмас аянчли,  
Лек, шу ҳаётимдан ҳеч кўнглим тўлмас...

## ОНАМГА...

Жудаям соғиндим сизни, онажон,  
Бугун сизни яна тушимда кўрдим.  
Бошяланг кўчага чиққанам кўриб,  
Румолингни ўра дебсиз, меҳрибон.

Қалбгинам титрайди, ёдимга тушса,  
Ҳар бир нигоҳингиз, ҳар бир сўзингиз.  
Умрим поёнига етди, десангиз,  
Ишонмабди она, ёлғиз қизингиз...

Нени ҳам кўрдингиз дунёга келиб,  
Ҳасрат оловида ёндингиз мудом.  
Қайғунинг ўтида жизганак бўлиб,  
Фарзандлар доғида очилмай, сўлиб...

Қизингиз сезади ўзини ёлғиз,  
Буткул якка қолди ёлгон дунёда.  
Фақат хатларингиз сиздан хотирот,  
Уларни жонидан кўрар зиёда.

Улим юлиб кетди сизни ҳаётдан,  
Худди тушга ўхшар, онажон бари.  
Ишонмайман, наҳот йўқсиз оламда,  
Кетдингиз, онажон, қай манзил сари?

Ёнимда тургандек буларсиз гўё,  
Гар хатларингизни ўқисам бир-бир.  
Йўқ-йўқ, эй Худойим! Менга мадад бер,  
Йўқлигингиз ёлгон, кўрдим-ку ҳозир...

Кўрдим чеҳрангизни маъюс, беғубор,  
Кўзларингиз кулар, меҳр-ла боқар.  
Қулларингиз эса бошимни силаб,  
Ширин сўзларингиз бол каби ёқар.

Онажон, мен жуда зеркиб кетдим,  
Бемақсад яшашдан, кўз ёш тўкишдан.  
Олиб кетинг мени ўзингиз билан,  
Зерикдим мен бот-бот шеърлар тўқишдан...

\*\*\*

Бизлар кеч тушундик бир-биримизни,  
Жуда кеч севгининг кучини туйдик.  
Тўққинлик бурони ҳали олдинда,  
Қўрқаман, қачондир севгидан тондик...

Энди нима бўлар, меҳрибон ёрим,  
Наҳотки мен сендан айрилиб қолсам.  
Наҳот узилар Муҳаббат торим,  
Қоронгу дунёга қамалиб қолсам...

Қадрингга етмадим, кечир азизим,  
Қачонлардир сени йўқотган эдим...  
Ўзгалар иғвосин мен афзал билиб,  
Ёлгонлар ичида тош қотган эдим.

## ЎГЛИМ ҲАЁТБЕККА

Кузларинг ҳайрат-ла боқади,  
Сен ўзинг бир сирли олам-ей.  
Қалбингдаги жажжи муҳаббат,  
Нурга йўтрилгандир, болам-ей.

Шамол тўзгитади майин сочларинг,  
Осуда кўнглингда йўқдир ҳеч губор.  
Қора қошларингуну гунча лабларинг,  
Инжу орзулардан беради хабар.

Улғайиб камол топ, бахтга ишонгил,  
Аввало, инсон бўл, ҳалол бул доим.  
Дилбандим, ниятим меҳрга қонгил,  
Армонга тўлмасин қалбинг илойим!

## ЎГЛИМ УЧУН АТАЛГАН ШЕЪРЛАР

### МОШ

Мошни яхши кўраман,  
Сут-қаймоқлар бераман.  
Сичқон тутмоқчи бўлса,  
Унга ёрдам бераман.

## ОРЗУ

Мен қурқмас, мард ўғлонман,  
Полвонман, паҳлавонман.  
Учувчи бўлмоқчиман,  
Фазони қучмоқчиман.

\*\*\*

Менинг бор икки кучукчам,  
Бир-биридан соз, ақлчам.  
Бири қора, бири оппоқ  
Кузчалари мунчоқ-мунчоқ.

Улар мени яхши кўрар,  
Қаңд сўрашиб, қўлим ялар.  
Ухлашар бирам ширин,  
Сергаклиги яширин.

Ёмон ўтса кўча-кўйдан,  
Қувар уни уйигача.  
Жоҳил бўлса қай бир одам,  
Ёмон кўрар то ўлгунча

## БАХТ

Юрагимни ёқиб келдинг, Бахт,  
Тилагимда оқиб келдинг, Бахт,  
Орзуларим тақиб келдинг, Бахт,  
Оҳ, мен сени қанчалар кутдим...  
Кечалари уйқум қочганда,  
Дардлар келиб заҳрин сочганда,  
Армонларим бағрин очганда,  
Оҳ, мен сени қанчалар кутдим...

Энди кетма, мен билан қолгин,  
Умид йўлим ёритиб, ёнгин,  
Севинчларим сувидан қонгин,  
Оҳ, мен сени қанчалар кутдим...



\*\*\*

Муҳаббатим, қайларда қолдинг?  
Нечун қалбим ҳувиллаб қолди?  
Аёзли қишларга қолдирдинг мени,  
Хаёлим музлади, чувиллиб қолди.  
Умримнинг мазмуни сен эдинг ахир,  
Кўнглим осмонида йўқотиб қўйдим.  
Руҳим бугар мени, овозим сўниқ,  
Тоқатим! Азобу дардингдан тўйдим...

## ДЕНГИЗ ВА ТЎЛҚИН

Шовуллайди денгиз, ҳайбати улкан,  
Тўлқинлар гувиллаб чопишар.  
Бир-биридан ўзиб, шиддат-ла  
Ўзларини юқори отишар.  
Денгиздан ажрашни истаган тўлқин,  
Қирғоққа ўзини бот-бот отади.  
Ғайрати жуш уриб, керилиб мудом,  
Қийқириб, ҳар кимга бир гап сотади.  
Куриб қўйинг менинг бўйи-бастимни,  
Мендайин улуг зот оламда йўқдир.  
Кимда бор мендаги шижоат, келбат,  
Жисмимдан, ҳуснимдан кўнглим ҳам тўқдир.  
Унинг гапларидан ранжиган денгиз,  
Мақтанчоқ ўгли-чун боши қотибди.  
Ота денгиз тўлқинни олдига солиб,  
Зарб билан қирғоққа отибди.  
Жазоланган тўлқин айбига иқрор,  
Мақтамай қўйибди ўзини ўзи.  
Улкан денгизда у яшайди ҳамон,  
Фақат ўз уйида ёруғдир юзи.  
Ўзни эмас, Ватанни улуғланг, дўстлар,  
Зеро, Ватан билан тириқдир инсон.  
Тўлқин каби тарк этмоқ истасанг уни,  
Тақдирдан панд ерсан, сен бўлганг инсон.

17

2014/12  
А 62

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

Оҳ, онажон! Яшай олмайман,  
 Куникмайман, чидай олмайман,  
 Бардош ўлди, сабрим қолмади,  
 Фигонимни сақлай олмайман.  
 Соясиман ўлган жонимнинг,  
 Куёши йўқ қора дунёман.  
 Сиздай дардқаш, меҳрибоним йўқ,  
 Куш ёши йўқ қуруқ дарёман...  
 Андуҳимсиз, онажон,  
 Оҳимдан олов чиқар.  
 Суратингиз тикилсам,  
 Куксимга ялов чиқар.  
 Армон, армон эзади,  
 Жонимни, борлигимни.  
 Вужудда дард кезади.  
 Тополмай адогини...

## ГУМРОҲ ҚУШИҒИ

Нималар бўлмоқда, оламда не гап,  
 Кимлар бахтиёру, кимлардир хафа.  
 Кимдир азобдаю, кимдир роҳатда,  
 Кимлардир кимларга қилурлар жафо...  
 Мен хато қилдимми, адашдим наҳот,  
 Наҳотки муҳаббат қурбони бўлдим?  
 Бизни айирарлар, қилмаслар шафқат,  
 Сен менсиз, мен эса сенсиз-ла қолдим.  
 Ҳасрат-ла яшамоқ не учун керак,  
 Қалбимда бўронлар тинмайди зеро.  
 Бахтсизлик келтирган бахт кимга керак,  
 Қайгу эвазига тахт кимга керак?!  
 Биз гуё туш кўрдик, бир ажойиб туш,  
 Унда севишганлар топибдилар бахт.  
 Унда фақат баҳор, бўлмас эмиш қиш,  
 Унда уқубатни енгибди тоқат...  
 Унутмагил мени, меҳрибон ёрим,  
 Энди хотиралар менгадир ҳамроҳ.  
 Керак бўлса сенга берайин жоним,

Унутма, оламда яшар бир гумроҳ.  
У шундай гумроҳки, билмагай қувонч,  
Унга қайгу-алам, ҳасратдир ҳамроҳ.  
Қалбида жон берар Она, Муҳаббат,  
Она ярадору муҳаббат паноҳ...  
У шундай гумроҳки, кўзлари кўрдир,  
Кўришдан маҳрумдир бор ҳақиқатни.  
У шундай гумроҳки, манглайи шўрдир,  
Тақдир тинчитмайди, берар азобни.  
У шундай гумроҳки, топмайди роҳат,  
Ўз ҳаёт йулин ҳам тополмас сира.  
У шундай гумроҳки, қалбда жаҳолат,  
Йўллари туманлик, нурлари хира.  
У шундай гумроҳки, яшар бемақсад,  
Орзулари учган, билмайди қаён.  
У шундай гумроҳки, қилмайди ҳасад,  
Бир пайтлар ҳавас-ла бўлганди гирён...  
У шундай гумроҳки, завқни билмайди,  
Ёмонлик дунёда устунлигини.  
Билмайди одамлар гафлатдалигин,  
Меҳру оқибатнинг тутунлигини.  
Биз туш кўрдик азизим, ёдда тут уни,  
Ҳаётимиз мазмуни ўша ёлғиз туш.  
Ўша тушга суяниб яшармиз энди,  
Бундан бўён бошланар биз кутмаган қиш...

\*\*\*

Юраяпман, лекин йўлим йўқ,  
Йиғлаяпман, кўзда ёшим йўқ.  
Оҳларимнинг чиқмас овози,  
Торларимнинг йўқдир ҳеч сози.  
Хаёлларим паришон, тушкун,  
Ишонч боғларимни қумсайман.  
Йиғлоқи гулларим териб ололмай,  
Сен томон талпиниб, бўзлайман.  
Ёқилган хазонман, тутуним осмон,  
Дам ёмғир остида, дам шамол тилдош.  
Умидлар бегона, орзулар ўгай,  
Севгимни тилкалаб, яйрайди бардош....

## АННА АХМАТОВАДАН

Яшаяпман соатдаги какку қуш каби,  
Урмондаги қушларга ҳеч қилмайин ҳавас.  
Қулогимни бурашса, сайрайвераман,  
Агар билсанг, бундай қисматни  
Фақат душманимга раво кўраман.

\*\*\*

Ёстигим исиб кетди  
Иккала томони ҳам.  
Ёниб турган шағамнинг  
Учди иккинчиси ҳам.  
Қарғалар шовқини  
Кучлироқ эшитилар,  
Мен шу кеч кўз юмадим,  
Ўйлаш кеч уйқу ҳақда...  
Оқ ойна пардалари  
Чидаб бўлмас оқлигидан.

Салом!

Қалб қалбга боғланмаган,  
Кетақолгин истасанг.  
Кўп бахтлар тайёрланган,  
Йўлда эрклилар учун.  
Йиғламасман, қилмам шикоят,  
Мен бахтиёр бўлолмайман, йўқ.  
Чарчаганман, ўпмагин мени,  
Ўлим келар мени ўпгани.  
Яшаб ҳам бўлинди азобли кунлар,  
Оқ қишларим билан қўшилиб.  
Ниманг яхши, қаеринг ортиқ  
Сенинг? Танлаганимдан?

## УСТОЗИМГА

Ўзингизмас, шеърларингиз менга дардкаш, дилором,  
Улар мени шеърятга қайтаролди, минг шукур!  
Ўзингизмас, чўғ қалбингиз менга таниш опагон,  
Илҳомингиз, илҳомимни уйғотади, минг шукур!  
Сизни осмон, ўзимни-чи, ер деб келдим, опагон,  
Армон тўла юрагимни шер деб келдим, опагон.  
Шогирд устозни эмас, устоз шогирдни танлар  
Устоз излаб гул орзумни юр, деб келдим, опагон.  
Шогирд дея билсангиз, тоғ бўлиб ўсар эдим,  
Юртим учун, эл учун тиконлар босар эдим.  
Руҳ тетик, мақсад улуг бўлиши учун опагон,  
Кесилиб қонар эдим, тинчимдан тонар эдим.  
Ниятларим бир жаҳон, дилда қолиб кетмасин,  
Кўнгил тўлмас кўнларим надоматга етмасин.  
Оқни қора демайин, ҳаромни ҳақ опагон,  
Йул кўрсатинг, йўлларим хиёнатга ўтмасин.  
Ниманидир излайман, топиб беринг, опагон  
Қай манзилни кўзлайман, чизиб беринг, опагон.  
Бўйнимда алам, ҳижрон, армоннинг мунчоқлари  
Бахт мунчоғим узилган, тизиб беринг, опагон.  
Излаганим сиздирсиз, кўзлаганим сиздирсиз,  
Балки пешонамдаги ярқироқ юлдуздирсиз,  
Бола кўнглим йиглайди, овутолмай мен ҳалак,  
Тундан қўрққан сиз эса кўнглимда кундуздирсиз.  
Ўзингизмас, шеърларингиз менга дардкаш, дилором,  
Сиздан сабр, матонатни сўраб келдим, опагон.  
Қалбингиз билар эдим, ўзингиз кўргим келди  
Умидни ишончимга ўраб келдим, опагон.

\*\*\*

Қаердасан жоним, жаҳоним,  
Қаердасан меҳрибон ёрим?  
Кўргим келиб тутар хуморим,  
Сенсан кўнглимдаги туморим.

Бугун хаёлимдан сира кетмадинг,  
Хотиралар кўзимда толди.  
Сени қўмсаб борлигим бедор  
Фарёдларим бугўзимда қолди.

## СЕНИ ТУШИМДА КЎРДИМ

Тушимга кирибсан, бахтли эмишсан,  
Тўйинг бўлаётганмиш ўзга қиз билан.  
Мен эса тўйингда меҳмон қатори,  
Ўтирибман, қалбимда зур алам билан.  
Кейин...  
Кейин сен ўз тўйинг тапслаб  
Мен билан кетибсан кенг куча бўйлаб...  
Нега, нега тинч қўймайсан, қўймайсан сира,  
Хатто тушимда ҳам берарсан азоб.  
Мен сени қалбимга қўйганман кўмиб,  
Ўлди дея сени бўлдим-ку хароб.  
Ўлгансан сен ўша, ўша машғум кун  
Муҳаббатга тош отганингда.  
Бир сўз айтмай тишланганча мунг,  
Кўнглинг музлаб тош қотганингда.  
Мен энди ўзганинг ёриман билсанг  
Билмам, "ёр" дейишга арзирманми, йўқ.  
Бас, ўша инсонни бахтли қилолсам,  
Кўз ёшларим яшириб, кулиб туролсам.  
Рухимдаги мотамдан удир беҳабар,  
Нега маъюссиз, дея сўрайди бот-бот.  
Тушларимни тинч қўй, бўлма дилозор,  
Сен кетгин! Мен билан қолади Сабот.

\*\*\*

Аёл ёлғиз қолмасин  
Суянчиги ёнида бўлсин.  
Меҳр бўлиб дардига мудом  
Юрагига садоқат тўлсин.

\*\*\*

Кечалар уйқумни олдинг,  
Энг азиз туйғумни олдинг.  
Кўз ёшларим, дардларим олдинг,  
Сен менинг шеърим!

Майли, кимлар кулсин, кимлар йигласин,  
Кимлар уйга толсин, кимлардир ёнсин.  
Ким қўшиқ айтсину, кимлар тингласин,  
Сен менинг шеърим!

\*\*\*

Соат учга бонг урди, уйқу йўқ кўзда,  
Ташқарида ёмғир бирам эзилди.  
Мунғайиб турибди гулдонда гуллар,  
Эзгин ўйлар юрагимга тизилди...  
Онамнинг суврати тепамда ҳилол,  
Бўлди, бас, сиқилма, дея тургандек.  
Жўмрақдан томаётган сув  
Томчиси бошга ургандек...

\*\*\*

Юрагимнинг бир парчасин узиб кетдинг,  
Хаёлимга минг хил шубҳа тизиб кетдинг,  
Кузимдаги ёшим бўлиб сизиб кетдинг,  
Муҳаббат...  
Бир кун келиб қалбимга сен қайтармисан?  
Сеникиман, тинчлан, дея айтармисан?  
Қайғумисан, қувончмисан, хатармисан?  
Муҳаббат...  
Армон қолди ҳижронимда тўлиб-тўлиб,  
Ушалмаган орзуларим кетди ўлиб.  
Очилмаган ишқ гулларим қолди сўлиб,  
Муҳаббат...  
Дилда яра тирналдими, оҳ битсайди,  
Сарсон алам, ситамларим, тез кетсайди.

Ёлгон ёрим, армон ёрим чин бўлсайди,  
Муҳаббат...  
Билсанг, сендан сира-сира кечолмасман,  
Адоғи йўқ гам қувади, қочолмасман.  
Кунглим синган, ўзингга ҳеч етолмасман,  
Муҳаббат...

\*\*\*

Баъзида йиғлагим келади, баъзан  
Сукунат излайман олис-олисдан.  
Дардимга даво йўқ, қалбга паноҳ йўқ,  
Топталанган гулзор — бўлолмас бўстон.  
Сен кимсан — Муҳаббат, сен кимсан — Армон,  
Сен орзу ушалмас, поёнсиз ҳижрон.  
Юракда абадий қолган изтироб,  
Ҳудудсиз дашт-чўлда кўринган сароб.

## ЁМҒИРЛИ КУН ЭДИ

Соябон остида турардик дилхун,  
Кўзларда бор эди олам-олам мунг.  
Бир дамнинг ўзида бахтиёр эдик,  
Ва бахтсиз сояда бизлар лолу гунг  
Ёмғирли кун эди ўша кун...  
Юзма-юз турардик, кўзимизда ёш,  
Дардимиз олдида Дунё қотди тош.  
Сароб-ку келажак, наҳотки шундай?  
Тақдир туни кетиб, чиқарму қуёш  
Ёмғирли кун эди ўша кун...

Йиллар тушунмадик бир-биримизни,  
Ўзимиз учирдик бахт қушимизни.  
Гумонлар тугамас, ҳеч ҳам тугамас,  
Энди сувга айтамизми ё тушимизни?!  
Ёмғирли кун эди ўша кун...  
Бир-бировга зор бўлиб, хор бўламизми?  
Сен, мен қолиб, ўзгаларга ёр бўламизми?



Бахтли бўлиш насиб этмади жоним,  
Булбулсиз қолиб энди гулёр бўламизми?  
Ёмгирли кун эди ўша кун...

Ёмгир ҳам эзилди, йиглади осмон,  
Кўзларга тор бўлди бешафқат жаҳон.  
Яшамоқдан мақсад ҳижронми, армон,  
Дарду аламимиз қалбларда пинҳон  
Ёмгирли кун эди ўша кун...

## НЕТАЙИН

Ишқ тиги бағрим тиглаб, жабр этса, нетайин,  
Ғазабнок исёни алдаб, макр этса, нетайин.  
Нетайин, гар диллар эмас, тиллар сўйласа мудом,  
Адолат беадад қолиб, сабр этса, нетайин.  
Дур мисол ёшим бирла у мунгдош этса, нетайин,  
Оқшомлар юлдуз санатиб, тундош этса, нетайин.  
Нетайин, гар кўнгил синиқ кўзгу каби беэга,  
Орзумга душман кўрсатиб, кундош этса, нетайин.  
Мисли довул ниятларим хароб этса, нетайин,  
Ҳижрон саҳросинда сувни сароб этса, нетайин.  
Нетайин, гар беғуборлик жаҳолатга бўлса эш  
Бўхтон захрини олиб, ул шароб этса, нетайин.  
Ор қолиб, беорликни-да суянч этса, нетайин,  
Висолни зор, интизорни аянч этса, нетайин.  
Нетайин гар Муқаддас-ла бўлса бирга қаноат,  
Парча-парча умидларни юпанч этса, нетайин.

## СОҒИНЧ

Висол онларини кутиб яшайман,  
Орзу дамларини чўзиб яшайман.  
Армоннинг юртини кезиб яшайман,  
Мен сени соғиниб яшайман ҳамон...

Юракдаги оғриқ, ҳижрон ва алам,  
Сабрни, жабрни ёшга қайрайди.  
Ўткир жафо ғамнинг пичоғин олиб  
Умидни тилкалаб, тани яйрайди.

Жаҳолат яхшилик қилмади менга,  
Севгим қаноатни назарга илмас.  
Зулмат ҳам бағрини тилмади менга,  
Разолат, зулм тоғи ўрнидан жилмас.

Садоқат шамоли эсаверади,  
Хиёнат йўлини тўсаверади,  
Нажотнинг гуллари усаверади,  
Мен сени соғиниб яшайман ҳамон...

\*\*\*

Хаёллар денгизида сузаман,  
Тўлқинларда Онам нигоҳи,  
Қора булут, довулдан дарак,  
Ёмғир кўз ёш, онамнинг оҳи.

Охир дунё шу бўлса керак,  
Гар оналар тўксалар кўз ёш.  
Худо қаҳри шу бўлса керак,  
Фарзанд отса онасига тош.

\*\*\*

Ажабо, қандайин битмайин қўшиқ,  
Унинг кўзларида мунгни кўраман.  
Овозида дардни, қалбида ошиқ,  
Булган бахтиқаро гунгни кўраман.

\*\*\*

Орзулар азоб ва уқубат ботқоғига ботиб кетди,  
Дуст деганим душман экан, охир келиб сотиб кетди.  
Юраклар-ку нафратларга тўлиб-тошиб, қотиб кетди.  
Қалб овчиси хиёнатмас, диёнатни отиб кетди.

\*\*\*

Биламан, энди қайтмас ул бахтли кунлар,  
Энди мен ҳам қайтолмасман ёнингга сира.  
Сенга ошно бўлган энди ул қора тунлар,  
Менинг қуёшим ҳам энди нур сочар хира.

Лекин билки, муҳаббатим эъзозда абад,  
У қалбим тўрида яшайди ҳамон.  
Гар сенга ўйинчоқ бўлса-да ҳаёт,  
Мен интилгум ҳамон ёруглик томон.

\*\*\*

Яна ёмғир ёгмоқда, мен кутган ёмғир...  
Армонлар қалбимда кутармоқда бош.  
Ўтган бахтли кунларни солмиш ёдимга,  
Ёгавериб эзилиб, тугади бардош.

Мен бундай яшолмам, яшолмам сира,  
Қалбимда баҳормас, гар куз ҳукмрон.  
Гар энди чечаклар, гуллар йироқда,  
Ҳазин япроқларда кезади пушмон.

Бундан буён афсус-ёлгонлар ичра  
Наҳотки яшашга мажбурман, танграм!  
Ўзгаларни алдаб, ўзимни алдаб,  
Наҳотки куникса иложсиз онгим...

## БОЙҚУШ ВА ГУНЧА

Муҳаббат гунчаси очилмай сўлди,  
Ахир уни азоб-ла олдилар узиб.  
Ва уни бойқушга, эмас булбулга  
Бердилар эгаси бойқуш деб билиб.

Бойқуш мудрар кундуз, қуёшни сезмас,  
Эшитмас гунчанинг пичирлашларин,  
Алвидо, хушовоз булбулим, дея  
Бечора гунчанинг қон йиглашларин.

Гунча сўлди, бойқуш бепарво,  
У тунни кутади бетоқатликда.  
Сулиса сўлибди шу битта гунча  
Бошқасин келтиргум то тонг отгунча.

## КЕЧ МУҲАББАТ

Ўз уйимда бегонаман,  
Ўзга уйда девонаман.  
Дардим тинглар бир юрак йўқ,  
Етим каби ордонаман.  
Севдим сени, севолдимми,  
Ваъда бердим, беролдимми?  
Умид ўлмас, гар ишонч йўқ,  
Ё сендан ҳам алдандимми?  
Нозик қалбим торлари танг,  
Чертгин уни, узилмасин.  
Тўкма ёшин туйгуларим,  
Мунчоқ каби тизилмасин.  
Кеч муҳаббат армон экан,  
Манзил йироқ қарвон экан.  
Етса агар муродига,  
Сўқир нажот дармон экан.

## АКАМГА ХАТ

Мен акамга хат битдим сенинг номингдан,  
Ёлғизим, сирдошим, тоғимсан, дедим.  
Тезроқ қайт, жон болам, соғиндим дея,  
Чулда бунёд этган боғимсан, дедим.

Онажон, акам-чи, ҳануз билмайди,  
Ташлаб кетганингни бизларни ёлғиз.  
Бизга ўхшаб қонли нидо қилмайди,  
Қабринг узра туриб, бағрин тилмайди.

У сени тирик деб билади ҳамон,  
Оҳ, унга қанчалар қиламан ҳавас.  
Қанийди мен унинг ўрнида бўлсам,  
Онам бор, деб мен ҳам керилиб юрсам...

Мен акамга хат битдим сенинг номингдан,  
Онанг соғ, фақат сен тезроқ қайт, дедим.  
Келгин-у, уйимни нурга тўлдириб,  
Укангларга бош бўл, шу ният, дедим.

\*\*\*

Юрак! Бум-буш...  
Хаёлим каби.  
Тулиб оқсайдим,  
Тошдан-тошга  
Тоғ дарёси урилган мисол.  
Ҳувиллаган  
Боғдай ғарибман.  
Файз кирмаяпти  
Тушларимга...  
Гуллаётган эҳтирос ўлим.  
Учгим келар  
Қанотим кериб.  
Чорлабон сени  
Юксакларга  
Осмонимни тўлдир сеҳрга.  
Жилоланиб  
Камалак мисол.  
Севги тортар  
Уммонига  
Рангларимни қайтар, азизим.  
Яшагим бор  
Қуёшдек кулиб,  
Тафтларим ҳам  
Сенга керақдир,  
Тонгларимни соғинганда кел.

\*\*\*

Биламан!  
Сени севиш бу балки гуноҳ...  
Мен Худонинг осий бандаси.  
Сен меники эмассан, бироқ,  
Мен ҳам юрагингинг яраси.  
Бир кам дунё дейишар буни,  
Ким кимга зор, ким кимдан безор.  
Ахир кўнгил тилагин бўғиш  
Телбаликка бошлар дилозор.  
Мен телбаман! Ожиза бемор,  
Дардимга бор биргина даво.  
Сенга қўйган кўнглимни олиб,  
Ўлимга тутқазиш, ҳаёт бевафо.

\*\*\*

Энди сени қўмсамас юрак,  
Сен томон талпинмас хаёлим.  
Баъзида ҳайратим ошади,  
Келдими кимгадир малолим.  
Севганмидим, наҳот ўша сен?  
Наҳот энди йўқолган туйғу?  
Ёлгонмиди шунчалар тилак  
Қачонлардир қийнаган қутқу?  
Ўзгарди нимадир — орзуми, армон?  
Кўзларим кўрарми энди ўзгача?  
Йиллар айирдими софлик, покликдан  
Абадий муҳаббат — баҳор, ёзгача!

## КЕЧИКИШ

Гугурт қутиси бўшаб қолипти,  
Қандай ёқдим дунёни энди?  
Шакл бору, мазмун йўқ унда  
Жонимга тегди...

Гугурт қутиси бўшаб қолипти,  
Қолмайсанми, олов бер менга.  
Арзир, арзимас чўгинг керақдир,  
Бу дунёда менга ёлғиз боринг керақдир,  
йўгинг керақдир.

Гугурт қутиси бўшаб қолипти,  
Туртта бурчак бўш, термулиб турдим  
Туртта томон бўш.

Совқотяпман...

Куёш нурингни кўзимда тутдим,  
32 йил ҳаётни кутдим.

\*\*\*

Севгим етим қолди, ўксиб толди у,  
Хомуш тортди хаёл, йиглади кўз ёш.  
Якка қолди ҳижрон, тўкиб солди у  
Армонларин, синовларга беролмай бардош.

Нечун яшаяпман, кимга керакман,  
Вужудим тилкалар огриқ-саволлар.  
Нимани кутяпман, ёлғизман нега  
Руҳим эзгилайди сассиз жавоблар.

\*\*\*

Руҳим! Тинчлан, телбалик қилма,  
Турткилама мени, ёлғиз қуй.  
Бормайман, йўқ, унинг олдига  
Ундан кура шаробингдан қуй.  
Сархуш бўлиб унутай барин,  
Соғинчларни тарк этай бир дам.  
Қидирма сўнг, эргашма менга,  
Бушлиқларинг бўлади ҳамдам.

\*\*\*

Юрак, безовтасан, ҳалаксан нега,  
Нечун аламларинг олар аланга.  
Бетин хаёлларла курашиб ёниб  
Ситамлар ютасан дунёдан толиб.

Согинч ханжари-ла тимдалар сени,  
Булакларинг Зулмат йигиб ололмас.  
Ҳасрат денгизига ўзингни отиб,  
Чўқмоқ истайсан, лек нажот бу эмас.

Сарсон саволларинг бетоқат булиб,  
Эшигин уради шошиб Армоннинг.  
Сен эса Сабрга айтма дардингни,  
Унинг боши ичидадир арқоннинг.

Биламан, поёнсиз чўлларда қолдинг,  
Сувлари қуриган кўлларда қолдинг.  
Азоб илонлари, дард чаёнлари  
Тўлдирган боши берк йўлларда қолдинг.

Нажот изляяпсан нимадан, кимдан,  
Булмагин ноумид, дадилроқ ургин.  
Очгин кўзларингни, қара нурларга,  
Ишон келажакка, маҳкамроқ тургин.

Баҳорим ўтдими, ёзим ўтдими?  
Куз билан қолдимми қишимни кутиб,  
Орзу дарахтимнинг барглари қуриб,  
Тўкилдимми охир севгим унутиб?

Севмагандим сени, барчаси ёлғон,  
Қара, бўм-бўш ахир менинг юрагим.  
Қайларга кетдийкин ҳиссиёт, туйғу  
Армонга эргашиб кетди тилагим...

...

Ой момо-ей, оймомо!  
Юрак-бағри доғ момо.  
Муралаб деразамдан,  
Ҳар тун дардим ол, момо.



Осмон тўла юлдузлар,  
Сенга ҳамдард ҳумой йўқ,  
Кундуз қуёш нур сочар,  
Кундузи сенга жой йўқ...

Ёлғизман, тунлар бедор,  
Мендайин азобланма.  
Йулдошинг бўлай узим,  
Ҳурим! Сен мен билан-а?

## ОНАМГА

Онажоним, бу ҳовлидан изларингни излайман,  
Ёшлар қуриб, армон тўлган кўзларингни излайман  
Дардлар чекиб, гамлар ичра бўғилган овозинг-ла  
Менга айтган меҳр тўла сўзларингни излайман...

Акаларим кўзларида кўзларингни кўраман,  
Сингилларинг сўзларида сўзларингни кўраман.  
Баъзида ўз овозимда овозингни эшитиб,  
Кўзгута тикиламан, юзларингни кўраман.

Кетди Армон юрагингда, тўйлар кўрмадим, деган,  
Ширин-шакар набиралар кўриб, суймадим, деган.  
Фарзандларим жой-жойига қўйиб, қўймадим, деган,  
Уларнинг дийдорига сира тўймадим, деган.

Онажон! Сизнинг дунёнгизга кетгим келади,  
Худойимнинг ўлчаб берган умрини ташлаб.  
Елкангизга бошларимни қўйгим келади,  
Бу дунёнинг ишларини тошларга ташлаб.

## МУҲДАРИЖА

Онажоним, сизни соғиндим .....	3
Муҳаббат ҳақида қўшиқ .....	4
Изтироб дарёсида .....	5
Онам сувратига қараб .....	5
Ўзимни йўқотиб қўйдим .....	5
Юрагим! .....	6
Дунёга сигмайди сигинди кўнгил .....	6
Умр ўтар, .....	6
Келажакка ишонч йўқолди .....	6
Ёлғизлик .....	7
Мен бош олиб кетмоқ истайман .....	7
Оққан қон севгидай оташ бўлишин .....	8
Азизим, деб атайсан .....	9
Бир кун кўрмадим болам .....	9
Ёлғизлик куйини чалиш осонмас .....	10
Сени кутиб .....	10
Шубҳалар ўртайди юракни .....	11
Севмаслигим сени ростдир .....	11
Сенга .....	11
Сенга бағишладим, Онажон! .....	12
Ўйлагандим, бўларман бахтли .....	12
Онажон .....	13
Онамга .....	13
Бизлар кеч тушундик .....	14
Ўғлим Ҳаётбекка .....	15

## ЎҒЛИМ УЧУН АТАЛГАН ШЕЪРЛАР

Мош .....	15
Орзу .....	16
Менинг бор икки кучукчам .....	16
Бахт .....	16
Муҳаббатим, қайларда қолдинг .....	17
Денгиз ва тўлақин .....	17
Оҳ, онажон! Яшай олмайман .....	18

Гумроҳ қушиги .....	18
Юраяпман, лекин йўлим йуқ .....	19
Анна Ахматовадан .....	20
Ёстигим исиб кетди .....	20
Устозимга .....	21
Қаердасан .....	21
Сени тушимда кўрдим .....	22
Аёл ёлғиз қолмасин .....	22
Кечалар уйқумни олдинг .....	23
Соат учга бонг урди .....	23
Юрагимнинг бир парчасин .....	23
Баъзида йиглагим келади .....	24
Ёмгирли кун эди .....	24
Нетайин .....	25
Согинч .....	25
Хаёллар денгизида сузаман .....	26
Ажабо .....	26
Орзулар .....	26
Биламан, энди қайтмас .....	26
Яна ёмгир ёгмоқда .....	27
Бойқуш ва гунча .....	27
Кеч муҳаббат .....	28
Акамга хат .....	28
Юрак! .....	29
Биламан! .....	30
Энди сени қўмсамас .....	30
Кечикиш .....	30
Севгим етим қолди .....	31
Рухим! .....	31
Юрак, безовтасан .....	31
Ой момо-ей .....	32
Онамга .....	33

3000 сўж.

УДК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

О-75

Ортиқова, Муқаддас.

О-75 Руҳим сувратлари: шеърлар/ М. Ортиқова.

– Т.: «DAVR PRESS» НМУ, 2013. 36 б.

ISBN 978-9943-4147-9-2

УДК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

**Адабий-бадий нашр**

**Муқаддас ОРТИҚОВА**

**РУҲИМ СУВРАТЛАРИ**

**Шеърлар**

**Мухаррир Хосият Ражабова**

**Саҳифаловчи-дизайнер Азиза Ойназарова**

Нашриёт лицензия рақами АИ-№ 213

2013 йил 25 апрелда нашриётга топширилди.

2013 йил 27 майда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32 «Baltica APP» гарнитураси.

Шартаи босма табоғи 2,2.

Нашриёт ҳисоб табоғи 1,59. Адади 1000 нусха.

753-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет "DAVR PRESS" нашриёт-матбаа  
уйида тайёрланди.

"DAVR PRESS" НМУ МЧЖнинг матбаа бўлимида  
офсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156, Тошкент шаҳри.

Чилонзор тумани, 20<sup>а</sup>-даҳа, 42-уй.

Тел: + (99871) 120-1299;

Маркетинг бўлими: + (99871) 120-1233; 120-1202

Web: [www.davrpres.uz](http://www.davrpres.uz), [www.kitoblar.com](http://www.kitoblar.com);

E-mail: [davr-press@mail.ru](mailto:davr-press@mail.ru)